

Маккада халқаро Қуръон мусобақаси ўтказилади



12:27 / 24.01.2019 2653

Ушбу Қуръон мусобақаси шу пайтгача ўтказиб келинаётган мазкур йўналишдаги мусобақалардан мукофот пулининг қимматлиги билан ажралиб туради. Aje1.sa сайтнинг хабар беришича, Рамазон ойида Маккаи Мукаррамада “Энг чиройли Қуръон тиловати халқаро мукофоти” унвони учун Қуръон мусобақаси ўтказилади. Ушбу танлов Қуръони карим бўйича ўтказилаётган мусобақаларнинг орасида мукофоти энг қимматлиси бўлади. Мусобақа якунида 1-ўрин учун 5 миллион, 2-ўрин учун 2 миллион, 3-ўрин учун 1 миллион ва 4-ўрин учун 500 мин Саудия риёли мукофот қилиб берилади. Ҳақиқатан ҳам, бу шу кунгача Қуръон мусобақалари ғолиблари учун берилган мукофотларнинг ичида энг қимматлиси ҳисобланади. Мусобақа Рамазон ойида дунёнинг етук олимларининг бевосита назорати остида ўтказилади.

